


# 2017 йил – “ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ”

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir



# ХАЛҚ АСР



ЎЗБЕКИСТОН  
СИЁСИЙ  
ГАЗЕТА

Gazeta 2004-йил  
1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAКATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 15-DEKABR, PAYSHANBA, 53 (685)-SON

e-mail: xxi\_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

## ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Мухтарам Сенат Раиси ва сенаторлар! Хурматли Спикер ва депутатлар! Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлаган барча ватандошларимга чин қалбимдан яна бир бор миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, юртимизда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига, мухтарам отахон ва онахонларимизга, мунис аёлларимиз, навқирон ёшларимизга самимий ташаккур билдираман. Юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, меҳнатқаш ва бағрикенг халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сиз, азизларнинг, эл-юртимизнинг менга билдирган мана шундай юксак ишончини ўзим учун катта шараф ва улкан масъулият деб ҳисоблайман.

Ҳеч нарса билан қийслаб, ўлчаб бўлмайдиган бундай олий ишончини оқлаш учун бор куч-гайратим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни бағишлашга ваъда бераман.

Менинг номзодимни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатган ва бутун сайлов кампанияси давомида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, муқобиллик асосида ўтган ушбу сайловларда иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хатамжон Кетмоновга, “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуродов ва “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши раиси Наримон Умаровга яна бир бор ўз ташаккуримни изҳор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, менга ўз таъбир ва қўлловларини йўллаган барча хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар етакчиларига, сиёсат ва жамоат арбобларига, шунингдек, сайлов жараёнида ва ҳар доим бизга хайрихоҳ бўлиб келган, бугунги йиғилишимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни, чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

Қадрли юртдошлар! Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақиқ равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади.

Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қи-

лувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўпмиллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, огир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан энгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради.

Биз аجدодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намойён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз.

Мен бугун Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бутун халқимизнинг саяёҳаракатларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов бизга васият қилиб қолдирган ягона мақсад йўлида бирлаштиришга даъват этаман.

Бу олижаноб мақсад – изчил ва барқарор ривожланиётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очиқмиз. Бўлиб ўтган демократик сайлов жараёни бунинг яна бир ишончли ва яққол тасдиғи бўлди.

Сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашгани сизларга яхши маълум. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга ташриф буюрди. Яъни, ушбу халқаро тузилманинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили – бу албатта кичкина гап эмас – айнан демократик тамойиллар талаблари асосида сайлов жараёнини синчиклаб кузатиб борди.

Сайловда халқимиз ўзининг хошироодасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намойён этди. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажағига қандай катта ишонч ва масъулият билан қараётганини яққол ифода этади.

Сайлов натижаларини биз аввало ватандошларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиёт дастурига берган ҳолис ва ҳаққоний баҳоси, деб қабул қиламиз.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, миллий қонун-

чилигимиз талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиқлик руҳида ўтганини барча чет эллик кузатувчилар очиқ ва баралла таъкидладилар.

Кунга кеча Марказий сайлов комиссияси ҳам ўзининг сайлов натижалари бўйича яқини хулосаларида шу ҳақиқатни яна бир бор қайд этди. Ҳеч шубҳасиз, бундай юксак эътироф, бундай юксак баҳо барчамизни қувонтиради.

Мухтарам дўстлар! Бугун мен Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажаришга киришар эканман, буюк давлат ва сиёсат арбоби, азиз устозимиз Ислоҳ Каримовнинг ишларини давом эттирган ҳолда, 32 миллионлик катта халқ, катта мамлакатни бошқариш қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканини, давлат раҳбари сифатида зиммадаги жуда улкан жавобгарликни ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб, англаб турибман.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Буюк Юртбошимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам устозимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича минглаб юртдошларимиздан қўллаб-қувватлаш ва тавсиялар келиб тушмоқда. Уларнинг барчаси айни пайтда атрофида ўрганилмоқда ва бу борада алоҳида қарор қабул қилинади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Бугун дунёдаги шиддатли глобаллашу шароитида, халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози давом этаётган кескин бир вазиятда Ўзбекистонга раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни зиммага олаётган эканман, мен аввало кўпни кўрган, донишманд халқимизга, сиз, азизларнинг ёрдам ва кўмагинизга таянаман ва ишонаман.

Барчангиз хабардорсиз, сайлов арафасида мен сайловчилар ҳамда аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан кўплаб учрашув ва суҳбатлар ўтказдим.

Ана шундай очиқ мулоқотларда билдирилган амалий таклифлар, қонуний талаблар, уларни амалга ошириш учун кўрилган аниқ чора-тадбирлар, очиқни айтман, мен учун яна бир катта ҳаётий мактаб бўлди.

Ана шу учрашув ва суҳбатларнинг яқини хулосалари мамлакат Президенти лавозимидagi ўта муҳим ва масъулиятли фаолиятимда мен учун дастурий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугун замоннинг ўзи барчамизнинг олдимизга, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президенти сифатида менинг олдимга янги ва гоят масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ана шу асосий вазифалар ҳақида бугун ушбу йиғилиши-

мизда қисқача ахборот беришни ўринли, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг қўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттирамиз.

Бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам заминидир.

Мен мамлакат Президенти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини қатъий ва сўзсиз бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ўзимнинг энг асосий бурчим ва вазифам, деб ҳисоблайман.

Ана шу фундаментал тамойилларни рўйбога чиқаришга доир амалий саяёҳаракатлар тўғрисида мен Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузамда ўз фикрларимни баён қилганимдан албатта барчангиз хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Қонунчилик палатаси Спикери ва депутатлар, Сенат Раиси ва сенаторлардан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари хизматлари ҳамда Ҳукумат билан биргаликда мамлакатимизда келажақда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни сўрайман.

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тоғувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлашни ўзимнинг устувор вазифам, деб ҳисоблайман.

Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжихат яшамоқда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда.

Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал гояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаҳо ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий оғоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда.

Тошкентда 2016 йил 14 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов очди. У юртдошларимиз ўзининг юксак сиёсий маданияти, Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намойён этиб, 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашганини таъкидлади. Сайлов жараёнини 5 халқаро ташкилот ва 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди. Бу Ўзбекистон Президенти сайлови демократик талабларга тўла мос тарзда, миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро стандартлар доирасида, очиқ ва ошқора ўтганининг ёрқин далилидир.

Юксак савияда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзоди Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овозини олиб қўлиб бўлди.

Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриқлади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шаҳодатномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Шавкат Мирзиёев қасамд қилди: “Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риёо этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига оқлатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамд қиламан”.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими яқунланди.

Танаффусдан сўнг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Давоми 3-саҳифада →



Фазлиддин ФОЙБАЗАРОВ,  
Олимпиада чемпиони:



ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛСАНГИЗ,  
ЙЎЛ ДАВОМИДА ЭНГ МАШХУР СПОРТЧИЛАР ХАҚИДАГИ  
КЎЗИҚАВЛИ МАҚОЛАЛАРНИ ЎҚИЙСIZ!

Мурожаат учун телефонлар:  
(0-371) 215-63-80, 255-68-50

Давоми 2, 3-саҳифаларда →

# ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

«Давом. Бошланғич 1-сәҳифада»

Шу борада Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, юртимиз остонасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифалар ҳамisha диққатимиз марказида бўлади.

Бугун принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бир фикрни яна таъкидлаб айтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уришилларга қарши кескин зарба беришга қодиримиз. Шунинг учун мен, халқимизга мурожаат қилиб, шунни айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч қандай ҳеч қандай иккиланиш ва шубҳа бўлмастаси лозим. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара ва ички қўшинларнинг аскар ва сержантлари, офицер ва генераллари, барча ҳарбий хизматчиларимизга ўзининг ҳарбий қасамиди ва муқаддас бурчига садоқати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончим комилки, сизлар бундан буён ҳам юксак профессионал маҳорат, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўйича ўз ватанпарварлик бурчингизга содиқ бўлиб қоласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашидан Мудофаа вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарияти билан биргаликда Қуролли Кучларимизнинг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб нишонлашга доир чора-тадбирлар комплексини яқин кунларда тақдим этишни сўрайман.

Бу борада муносиб ҳарбий хизматчиларни нафақат яқинда таъсис этилган кўкрак нишонлари билан, балки юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича ҳам таклифлар киришти мақсадда мувофиқдир.

Учинчидан, халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темури бобимизнинг: **“Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуришимиз бўлсин!”** деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур.

Бу масала, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бутун суд тизими, прокуратура, ички ишлар, назорат органлари раҳбарлари ва ходимларининг, шунингдек, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг бевосита вазифасидир.

Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Депутатлар ва сенаторлар, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришининг ана шу муҳим соҳасидаги давлатимизнинг саъй-ҳаракатларини албатта қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман ва бунга ишонаман.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

**“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари”** деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”**, **“Ижтимоий шериклик тўғрисида”** ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу муҳим ишда биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улуг, улкан ҳаётий тажрибага эга нуруний оқсоқолларимиз, катта авлод вакиллари билан ҳамроҳ бўлишимиз зарур.

Айнан шу авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўз пайтида мамлакатимиздаги йирик индустрия комплекслари барпо этилди ва модернизация қилинди. Уларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатлари билан саноатнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объекти қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Айнан ана шундай табарруқ инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонқурлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустаҳкам замини яратилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз равнақи йўлидаги фидокорона хизматлари учун муқтарам нурунийларимизга, қадрли меҳнат фахрийларига ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдиришга, уларнинг барчасига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат ва фаровонлик тилашга руҳсат бергайсизлар.

Шу борада бир фикрга алоҳида ургу бериб таъкидламоқчиман: ёши улуг инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат қўмагини кучайтириш бўйича айни пайтда кенг қамровли чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқилди ва улар сўзсиз амалга оширилди.

“Нуруний” ва “Маҳалла” жамғармаларининг ходимлар штатларини қўлайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятимиз ҳаётида уларнинг ўрни ва мавқеини янада ошириш бўйича қўшимча зарур чоралар кўрилади.

Яратганнинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, қадрли оналаримиз, меҳрибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, сеvimли қизларимиз ва набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳамisha чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар.

Сизларнинг оналик меҳрингиз ва саховатингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздормиз.

Шу сабабли оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгиб қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз.

Барчамизга аёни, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Бу салоҳиятни яратиш ва янада қўлайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намоёндалари, биринчи навбатда қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ана шу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Бугунги кунда **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!”** деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади.

Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кун-

мизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мантиқий яқунига етказишимиз зарур.

Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, ҳурматли домлаларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси – ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги тасвирга қўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч огғимасдан, қатъийан билан давом эттира-**  
**миз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.**

**Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз.**

**Тўртинчидан,** иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш, давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Биз аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини тарқибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жаддаллаштиришимиз керак.

Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илгор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади.

Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд қўлайтиришга эришишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжалиқларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш – ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади.

Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қўлай шарт-шароитлар яратишдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқайди. Мен тақдир бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”**.

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб айтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман.

Сайловчилар билан учрашувларда нафақат тадбиркорлар, балки аҳолиимизнинг кенг қатлами ана шу талабни қатъий қўллаб-қувватлаганига шахсан ўзим чуқур ишонч ҳосил қилдим.

**Бешинчидан,** биз амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчамади.

Шу мақсадда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини босқичма-босқич

ошириб бориш бўйича биз аниқ чора-тадбирларни режалаштирганмиз ва улар албатта амалга оширилади.

2017 йилдан бошлаб аҳолини, авваламбор, лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалар қаторига қиради.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломадлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўлинидаги бўлинмалари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан тақомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган, ихтисослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш Ҳукуматнинг эътибор марказида бўлиши даркор.

Бу масалада кун кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги раҳбар кадрлар тўлиқ янгилади ва айтиш мумкинки, уларнинг таркиби кучайтирилди.

Барчангизнинг хабарингиз бор, дори воситалари ва тиббий буюмларга нархларни шакллантириш тизимини тақомиллаштириш бўйича кейинги пайтда аниқ чоралар кўрилмоқда ва биз бу ишларни қатъий давом эттирамиз.

Бу борадаги ислохотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган билан алоҳида аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, 2017-2021 йилларга мўлжалланган 15 та мақсади дастурнинг айримлари қабул қилиниб, уларнинг ижросига киришилди ва яқин вақт ичига шу йўналишдаги бошқа дастурларнинг барчасини тасдиқлаш бўйича ишлар тўлиқ якунланади.

Мазкур дастурларнинг барчасини ягона мақсад билан шартли туради. Яъни, улар яқин 5 йилда аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ жойлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, замонавий муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга доир бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилади.

**Олтинчидан,** аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман.

Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилди. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айни шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман.

Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йили юртимизда **“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”** деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаш, инсон манфаатларини таъминлаш – бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас.

Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамааслахат қиламиз.

**Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан.**

**Ким билан бамааслахат иш туттишимиз керак – аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.**

**Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади.**

**Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Шу маънода, буюк Алишер Навоий бобимизнинг **“Одаимий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ гамидин гами”** деган сатрларида қанчалик чуқур ҳаётий ҳикмат, фалсафа бор. Яъни, бу дунёда инсонларнинг

дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одаимийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидламоқда улуг бобомиз.

Бу ўлмас сатрлар бизнинг бугунги ҳаётимиз билан, бизнинг орзу-интилиш ва амалий ҳаракатларимиз билан нақадар ҳамоҳанг экани одамини ҳайратга солади.

Биз барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг муносабатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтишимиз даркор. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдига ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, илгари ҳам айтганимиз каби, ҳар бир туман ва шаҳарда, **“Халқ қабулхоналари”**ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур бўлади.

Бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақомини, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб, бирорта ҳам мурожаат этиборсиз қолмайдиган тизим фаолиятини йўлга қўйиш даркор.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қандай ҳам қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.**

Шу муносабат билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифалар, тармоқ ва ҳудудлар бўйича мақсади дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазифалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самардорлигини оширишимиз лозим.

Айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари ва иқтисодиёт тармоқлари раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг Президент ҳузурида шахсий ҳисоботини эшитиш амалиёти янгитдан жорий этилади.

Ҳукуматга, ҳокимликларга сайловчилар ва аҳолининг кенг қатламлари билан учрашувлар якунлари бўйича 2017-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш борасидаги муаммолар масалаларни ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни вазирлик ва идоралар билан биргаликда сўзсиз амалга ошириш топширилади.

Бугунги кунда нафақат Бош вазирнинг электрон почтаси ва қабулхонасига, балки Президент номига келиб тушаётган фуқароларнинг қонуний мурожаат ва шикоятларини батафсил ўрганиш ва уларда кўтарилган масалаларни ечиш бўйича ишларни фаол давом эттириш ғоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси куруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли ҳулосалар чиқарилади.

Айни шу масалада уларнинг фаолияти ижобий бўлса, халқ улардан рози бўлса, раҳмат деймиз, акси бўлса – биз бундай раҳбарлар билан хайрлашамиз.

Ҳурматли дўстлар!  
Олдимизда турган кенг қўламли вазифаларни самарали ҳал этиш, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиятининг учта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизомни талаб этади.

Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Албатта, биз режалаштираётган барча ўзгаришларнинг ниҳоятда кўпқиррали ва ўта муҳим эканини мен чуқур тушунаман.

Бироқ, йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шоша-шошарлик билан, пала-партиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб кўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

# ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

« Давом. Бошланғич 1, 2-саҳифаларда

Бизнинг вазифамиз – тўпланган тажриба ва илғор халқаро амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгилаш моделимиз қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта муддатга белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда якунланади.

Бу стратегия давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешта асосий устувор йўналишни қамраб олади.

Халқимиз билан доимий мулоқот қилишга доир талабни амалда бажариш учун ушбу Стратегияни қабул қилишдан олдин уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб, эл-юртимиз ўртасида кенг муҳокама қилишни тақдир этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳокамалар халқимиз манфаатларини янада тўлиқ инobat қилиш учун хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 98-моддасига мувофиқ, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун жавобгарлик Вазирлар Маҳкамаси, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бу, биринчи навбатда, Бош вазир ва унинг ўринбосарларидан юксак даражадаги шахсий масъулиятни, шунингдек, уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларини самарали ва тўлиқ бажаришни талаб этади.

Шу муносабат билан бир тақдир қиритмоқчиман. Яъни, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги ва жорий йилнинг 8 сентябрдаги қўшма мажлисларида тақдир этилган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини янада аниқлаштириб, ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда, унга қўшимчалар киритиш лозим. Бу – кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Умид қиламанки, бугунги мажлисимизнинг иккинчи қисмида Бош вазир лавозимига кўрсатиладиган янги номзод ушбу дастурнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган асосий йўналишлари ва устувор вазифалари тўғрисида ахборот беради.

Бу борада асосий диққат-эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

**Биринчидан,** иқтисодий тизимизда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиктисодий барқарорлик ва миллий валютамизни янада мустаҳкамлашни таъминлаш.

**Иккинчидан,** мамлакатимиз ҳудудларини, яъни шаҳар, туман ва маҳаллаларни, айниқса иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туман ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш.

**Учинчидан,** аҳолининг реал даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга

алоҳида эътибор қаратиш.

Ҳукумат ва шахсан унинг янги раҳбарияти фаолияти самарасини биз айнан шу мезонлар асосида баҳолашимиз зарур.

Шу мақсадда яқин кунларда Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Бундай ўзгаришлардан асосий мақсад – тўпланган тажриба асосида ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли янги вазифаларга мувофиқ, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг энг оптимал ва самарали тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ана шу тизим марказида нафақат иқтисодий тизимнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётини манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир истиқболдаги муҳим вазифалар туриши керак.

Олдимизда марказий бошқаруви органлари – Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, божхона тизими ва бошқа идоралар фаолиятини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси ҳам турибди.

Мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда уларнинг фаолияти бугунги ҳаёт ва иқтисодий ислохотлар талабларидан анча ортада қолмоқда. Шунинг учун биз бугунги йўналишимизга барча йирик тижорат банклари раҳбарларини ҳам тақдир этганмиз. Уларнинг бу вазифаси – бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий кўмакдош бўлишга эришишдан иборат.

Шу боис давлат банклари олдига қуйидаги вазифалар кўйилмоқда. Улар ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қўлай имкониятлар яратиши керак.

Шу мақсадда тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга молиявий кўмак ва мадад беришни зиммасига олади.

Лўнда қилиб айтганимиз бўлса, **банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаши лозим бўлади.**

Шунда одамлар боғдорчилик, чорвачилик, ҳўнармандлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, кичкина бўлса ҳам ўзининг корхонасини ташкил этиб, қонуний асосда даромад топади, ўзини ҳам, оиласини ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаб, маҳалламиз, туманимиз ва шаҳримиз, вилоятимиз ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит ва имконият яра-

тиб беришимиз керак.

Мана, 2016 йил якунига етишига ҳам 15 кун вақт қолди. Биз йилни муваффақиятли якунлаш, белгиланган мақсадларга эришиш, янги – 2017 йилда мамлакатимиз барқарор ривожланиши ва жадал ўсиш суръатларини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида барча воситаларни сафарбар этишимиз лозим.

Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятидан бу вазифаларни ҳар томонлама пухта бажаришни ва келгуси йил январь ойида ўтказиладиган Ҳукумат Мажлисида бу ҳақда батафсил ҳисобот беришни сўрайман.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз Асосий қонунининг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга юклатилган.

Бунинг учун урта вазифани амалга ошириш зарур.

**Биринчи вазифа** – 2016 йил 7 декабрдаги тантанали мажлисда белгилаб берилган топшириқларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш керак.

Хабарингиз бор, мен Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган ўша йилги депутатлар ва сенаторларга бир тақдир билан мурожаат қилган эдим. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳолини ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни тақдир этган эдим.

Бунинг учун ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Шу асосда ҳурматли Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказиш тизими жорий этилса, бу ишлар эртага албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

**Иккинчи вазифа** – “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш зарур.

Шунинг учун кеча Олий Мажлис Сенати йўналишида муҳим бир масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат идораларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан самарали парламент назо-

рати тизимини яратиш мақсадида Сенат раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва бундан буён Сенатнинг тегишли қўмитаси фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

**Учинчи вазифанинг аҳамияти ва муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман** – қонун талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш керак.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари – барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур. Шунинг учун Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг асосий мақсади ва вазифаси – аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат.

Мавжуд муаммоларни амалда ҳал этиш, шунингдек, аҳоли учун эркин меҳнат қилиш, мазмуни дам олиш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш бўйича ҳар томонлама қўлай шароитлар яратиш лозим. Айнан ана шу мезонлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатимиз Конституциясининг 100- ва 101-моддалари талабларини бажариш бўйича фаолияти самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин ва зарур. Шунинг учун ҳам 2017 йил якунида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилингани алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни бажариш учун **кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга** доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак. Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва вазокатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга ҳалақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазифа кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди.

Бундай нотўғри иш тақсимотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат хизматчиси ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айтганда, ўз аравасини ўзи тортиши лозим.

Бу – замон талаби. Олдимизга қўйган мақсад-муддаолага етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтага назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига олдиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган

раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада ҳудудий бошқаруви органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун олий таълим муассасалари тизими билан бирга, мамлакатимиздаги 6 та академия, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Корпоратив бошқаруви илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш даркор.

Шу ўринда айтиш керакки, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўзига юклатилган вазифани мутлақо уddаламаяпти, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун ушбу академияни ҳам, унинг иш услубини ҳам тубдан ўзгартириш ва раҳбар кадрларини қайта кўриб чиқиш лозим.

Айни вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа ва вазокатларини ҳам такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш борасидаги ролини ҳисобга олиб, бугунги кунда маҳаллий ҳокимликларга қўшимча вазокатлар бериш борасида тегишли тақдирлар тайёрланмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

Давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ёндашув ва позицияси Конституция кўнига бағишланган маърузада атрафлича баён этилгани сизларга яхши маълум.

Ана шу фикрларга қўшимча қилиб айтмоқчиманки, биз жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўзаро ишонч ва манфаатларини ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, кўшни давлатлар, шу билан бирга, халқаро институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талабларини даражасида ташкил этишимиз лозим.

Ўзбекистонда ўзини ишончли шерик сифатида кўрсатган ишбилармонлар билан ҳамкорлик муносабатлари албатта давом эттирилади.

Бу борада янгитдан ташкил этилган Сенат қўмитасидан зиммасига юклатилган вазифаларни изчил амалга ошириш талаб этилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ҳозирги вақтда олдимизда нақадар улкан вазифалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Биз Ватанимизнинг буюк келажagini сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этишимиз, кўзланган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Шу борада барчамизга Яратганининг ўзи мададкор бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барақа тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳамшиша омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

« Давом. Бошланғич 1-саҳифада

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмомов бошқарди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тавсия этилади. Шунга мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йилги мажлисида Бош вазир лавозимига номзод кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари лавозимига ишлаб келаятган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этди.

– Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳатлар қилдик. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан

ҳам атрафлича маслаҳатлашдик, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ўтказилган муҳокамаларда билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, мен ушбу лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув тажрибасига эга бўлган, 11 йил давомида Бош вазирнинг ўринбосари бўлиб ишлаган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Давлатимиз раҳбари йилгиланларни А. Ариповнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Номзоднинг касб малакаси, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатлари ҳақида гапирди.

Барчамиз яхши биламиз, ҳозирги пайтда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари даври, деди Шавкат Мирзиёев. Бу соҳа соат сайин шиддат билан ривожланмоқда. Ҳозирги кунимиз ва келажакимизни, бу соҳа ривожисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда “Электрон ҳукумат” тизимига ўтиш борасида жуда катта ишлар бошланган ва уларни боқсичма-боқсич мантиқий давом эттириш муҳим вазифа сифатида кун тартибда доимий тарзда туради.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси қанчалик ривож топгани сари, унинг афзаллиги ва қўлайлиқларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари йилгиланларни А. Ариповнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. Номзоднинг касб малакаси, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатлари ҳақида гапирди.

Абдулла Ариповнинг бевосита хизмат ваколатига кирмайдиган қўшимча вазифаларни ҳам топшириб, бу инсонни кўп мартаба ҳар томонлама синовдан ўтказганман.

Бу кишининг юртимизда бормаган вилоят, шаҳар ёки тумани, қирмаган даласи, қурилиш, маданый-маиший, савдо объектлари қолмаган. Шунинг учун мамлакатимиз ҳудудларидаги шарт-шароитни, муаммо ва масалаларни жуда яхши билади. Энг асосийси, борган ва кўрган жойидаги

масалани ўзи мустақил ҳал қилади, агар ўзи ечолмас, аниқ тақдир беради.

Давлатимиз раҳбари А. Ариповнинг ҳушмуомалиги, одамлар билан тил топиша олиш қобилияти, муаммо ва масалани эшитиш ва негизига етиб, унинг ечим бўйича адолатли қарор қабул қилиш салоҳиятини алоҳида таъкидлади.

А. Арипов бугунги кунда олдимизда турган жуда катта масалаларни ҳал этишда, яъни мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни янги босқичга кўтариш, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш бўйича дастурий вазифаларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини самарали асосда ташкил этиш, Бош вазир ўринбосарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, барча даражадаги ҳокимликлар раҳбарлари билан бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихат бўлиб ишлаш салоҳиятига эга. У ўзига юклатилган ҳар қандай топшириққа, катта ёки кичик демасдан, бир хил масъулият билан ёндашди, сўзсиз бажариш ва мантиқий якунига етказиш чораларини кўради.

Яна бир олижаноб хислати – ҳалоллиги, одам-

ларга доимо ҳурмат билан қарashi, уларнинг дарди катта дармон бўлишига интилиши, Ватанимиз ва халқимизга садоқатидир.

Сиз, ҳурматли депутат ва сенаторлардан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тавсия этилаётган Абдулла Нигматович Арипов номзодини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман, деди давлатимиз раҳбари.

А. Арипов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳақида нутқ сўзлади. Мажлисида сўзга чиққанлар Президентимизнинг маърузасида баён этилган устувор йўналишларни қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тавсия этилган А. Арипов номзодини маъқуллади. Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси якунланди.

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

# ҲАЁТ БИЛАН ҲАМҚАДАМ БЎЛАЙЛИК

**Атрофга синчков назар ташлайлик. Ҳаёт шиддат билан ўтиб бормоқда.  
Ҳар бир кун онгу тафаккуримизда ўзгариш ясамоқда. Бу – мустақилликнинг шарофати!**

✓ Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига ўтган сайловда 12-Марказ сайлов округидан номзодим кўрсатилганида: “Агар депутат бўлсам, мени нималар кутяпти?”, деган савол кўнглимдан кечган, айниқса ҳудуддаги кўчаларнинг ҳолати, қатор муаммолар ҳаёлимдан ўтган эди... Сайловдан сўнг қарашларим бутунлай ўзгариб кетди. Шаҳар кенгаши сессияларида халқ ишонган вакиллар – депутатларнинг янгича фикрлайдиган корпуси майдонга чиқатгани, бугунги депутат кечагидан тамомила фарқ қилиши, нима қилсак, эртага яхши бўлади, деган саволга жавоб топшиш иштиёқи устун туришини тушундим. Зеро, иқтисодий, маиший муаммолар ижро ҳокимияти зиммасидаги юмуш, биз депутатлар эса назорат тартибда фаолият юритишимиз тақозо этилади, деган тамойилни чуқур англадим.

### Ҳамнафаслик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституцияни қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: “Давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур. Бу борада аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини жорий этишимиз даркор”, дея таъкидлади. Дарҳақиқат, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш – аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Табиики, бу жараёнда маҳаллий Кенгаш депутатларидан фидокорлик, уйғоқлик талаб қилинади. Яъни, ваколати доирасидаги масалаларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини ўрганиш, ҳудуд ва умумдавлат манфаатини ҳисобга олиб, амалдаги қонунчилик асосида малакали фаолият олиб бориш зарур. Ҳар бир депутат қайноқ ҳаёт ўртага қўяётган масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазасига эга бўлмоғи даркор.

Айтиш жоизки, сайловчиларнинг ҳуқуқий билими, сиёсий фаоллиги ошгани учрашувларда яққол намоён бўлаётти. Улар шахсий муаммоларини эмас, кўпроқ ҳудудлар ва жамиятга дахлдор масалаларни ўртага қўйишмоқда, соҳа ва тармоқлардаги ислохотларни таҳлил қилиш асосида саволлар беришмоқда. Демак, биз, мана шу жараёнга, сайловчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳар доим тайёр туришимиз, аниқ, жўяли жавобларга эга бўлмоғимиз шарт.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг тавсиясига биноан ўрта махсус касб-ҳунар коллежларидаги ҳолатни ўргандик. Депутатлар гуруҳи даволат, битирувчиларни иш билан таъминлаш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш юзасидан сессияга масала тайёрлашди. Шунда бир муаммо эътиборимни тортди. Умумтаълим мактабининг директори сифатида ўқувчиларни ижара тизими асосида дарсликлар билан таъминлаш тажрибаси яхши самара бераётганини биламан. Коллежларда мана шундай тизим ҳали қарор топмаган. Ўқувчи дарсликлар билан фақат кутубхонада танишади. Коллеж ўқитувчилари билан суҳбат чоғида дарсликлар таъминотидаги муаммолар тилга олинди. Машғулотлар асосан маъруза тартибидеда олиб борилади. Ўқувчи коллеж ахборот ресурс марказида дарсликдан фойдаланиб, камдан-кам ҳолларда уйига олиб кетади. Чунки, адабиётлар санокли. Биз бир пайтлар шаҳар ва туманлардаги бой марказий кутубхоналарни коллежларнинг эҳтиёжини қондириш, китобларни ёшлар гавжум даргоҳларга кўчириш учун йўналтирдик. Бундан яхши ниятлар кўзлангани барчага аён. Аммо бугун коллеж ўқувчиси ўқув йили давомида ҳар бир фандан ўз дарслигига эга бўлмас экан, таълим самарадорлиги ҳусусида оқсоқлик кузатилаверади.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими фаолиятида дарсликларнинг узлуқсиз таъминотини йўлга қўйиш, ижара шартномасига тўла ўтиш пайти келди. Муаммонинг олдини олиш, оқилона йўл билан фурсатни бой бермасдан ҳал этиш эртага ўз мевасини беради.

### Сифатли маҳсулотга нима етсин!

Аҳолининг кам таъминланган қатлами, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳукуматимиз томонидан нихоятда хайрли ишлар рўйбега чиқарилмоқда. Мустақилликнинг олий неъматларидан бири, инсон омилига, унинг ҳаёти ва тақдирига ҳамisha бағрикенглик билан ёндашиш муҳити яратилганидир. Умумтаълим мактабларида эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини ярашқили кийим-бош билан таъминлашдек жуда нозик масала ҳам ана шу инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб адо этилмоқда. Бу тамойил тендер асосида ўзини ҳар томонлама оқлайдиган тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилапти. Гуруҳ курмаксис бўлмаганидек, “ишбилармонлар” орасида шахсий манфаатини устун қўювчилар ҳам топилди. Яъни, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига сифатли уст-бошлар тўғрисида эҳтиёт мақсадга мувофиқ бўларди.

Мана шундай тендер мактаб жиҳозлари, синф хоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш йўналишида ҳам ўтказилди. Аммо сифатсиз жиҳозлар, айниқса, айрим фан хоналари учун таклиф этилаётган мактаб стол ва стуллари ҳақи эътирозларга сабаб бўляпти. Умуман, тендер танловларида кўзбўямачилик, тадбиркорлар томонидан “мендан кетгунча, эгасига етгунча” қабиллида иш тутишга чек қўйиш вақти келди.

Мен ҳамкасбларим даврасида мана шундай муаммолар ҳусусида сўз бораётгани учун ҳам уларни айтишни жоиз, деб билдим. Депутат сифатида нафақат таълим тизими, сайлов округи доирасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ҳам ўз вақтида жавоб топилшга тўғри келади, албатта. Сайловчилар билан учрашувлар ташкил қилиш, фуқаролар мурожаати билан ишлаш, жойлардаги муаммолар ечимини ҳал этиш масаласи доим фикру ҳаёлимизда туради.

### Инсон – олий қадрият

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг маърузасида Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад – инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласи долзарб вазифа қилиб қўйилгани барчамизнинг дилимиздаги гаплар бўлди. Ҳар бир туман ва шаҳарда “Халқ қабулхоналари”ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан билдирилган таклиф беқийс аҳамиятга эга. Айни вақтда бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Бундан қўзланган асосий мақсад – “Халқ қабулхоналари”га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизимни яратиб бериш.

Дарҳақиқат, маърузада Президентимиз томонидан қўйилаётган талаб жуда муҳим: “Айтиш керакки, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар, жумладан, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тизими-



**да фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Чунки сиёсий партия фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўйбега чиқарадиган куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлиш керак.**

Кун тартибидеда турган мана шундай эзгу мақсад инсон манфаати ҳар нарсадан улуг, деган тамойилни ҳаётимизга янада собитқадамлик билан татбиқ этишдан далолат беради.

### Ваколат доирасида

Янги иш ўринлари яратишга жиддий киришганмиз. Вилоятимизда аҳоли зич яшайди. Вилоят аҳоли республиканинг қарийб 10 фоизини, ер майдони деярли 1 фоизини ташкил этади. Муаммолар ечимига мана шу нуқтаи назардан ёндашишга интиламиз. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг платформасида илгари сурилган мақсад ва вазифаларни рўйбега чиқаришда ушбу жиҳатда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўпайтириш, яъни, шу йўналишдаги тадбиркорлик субъектларига алоҳида ёндашиш керак. Ишлаб чиқариш ривожини – барқарор иш ҳақи, деганидир. Зеро, бунда миграцияга ижобий таъсир кўрсатиш, мажбурий ишсизлар масаласини оқилона ҳал этиш мумкин.

Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларнинг касб танлаши, ўз мутахассислиги бўйича мукамал амалий кўникмага эга бўлиши йўлида ҳозир тўлақонли шароит яратилапти. Вилоятимизда мавжуд 129 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни ҳар йили 40 мингдан зиёд ёшлар битириб чиқишмоқда. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими шаходатномасини олгач, кафолатланган биринчи иш ўрни билан таъминлаш ишларини янги босқичга кўтаришда ҳам айнан уларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтириш тарафдориман.

ЎзЛиДеР депутатлик гуруҳининг жорий йилнинг ўтган давридаги фаолиятида кўридикки, ана шу механизм устида жиддий бош қотириш, электротат манфаатини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатлари ижросини изчил назорат қилиш борасидаги вазифалар самара берапти. Албатта, ҳали биз етиб бора олмаётган жойлар мавжуд. Қонун бузилиши ёки ижроси сулалашган ҳолатлар юзасидан депутат тегишли давлат органлари мансабдор шахсларига мурожаат қилиш ва ўртага қўйилган масалани кўриб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу, биринчи навбатда, депутатнинг ваколат доираси кенглигини кўрсатса, бошқа томондан депутатлик назорати кучайишини таъминлайди.

Назоратнинг энг таъсирчан шаклларида бири эса депутатлик сўровидир. Шу боис, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммо ва камчиликларни бартараф этишга жиддий эътибор қаратилапти. Масалан, ўтган 11 ойда Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчиларнинг 200 га яқин мурожаатини атрофича ўрганиб, улар юзасидан тегишли ташкилот ва муассасаларга сўров жўнатилди. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамкорлигида электротат вакиллари билан учрашувлар ташкил этилди. Бу эса сайловчиларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини очиб, партиянинг оғ ва мақсадларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бизнингча, ўз фаолиятига танқидий ёндашаётган, долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилаётган, сайловчилар билан доимий алоқани йўлга қўйган, ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилаётган депутатлар кўпроқ ютуқларга эришади.

### Ишончни оқлаш керак

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг мана шу сўзларини ён дафтарчамга ёзиб қўйган эдим: “Ўзбекистонимизни ягона Ватан деб, ўзини аямасдан хизмат қилаётган ҳар бир инсон – қайси соҳада қайси вазифани бажармасин, бу ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб бошимни балан қўтариб юришга, албатта, ҳаққидир”. Дарҳақиқат, Президентимизнинг юқоридаги маърузасида айтилган ҳар бир жумла, ҳар бир таъкид бугун юртдошларимиз қалбига катта ҳаяжон ва фахр-ифтихор бағишлади. Одамлар ишончини қадрлаган, халқ вакили бўлишни ҳис қилган, ишга виждонан ёндашаётган депутатлар ҳар доим ҳаракатда, изланишда. Галдаги вазифалар масъулият ҳиссини оширса оширадими, камайтирмайди. Негаки, ҳали шаҳарда, вилоятда депутатлар эътибор қаратиши лозим бўлган юмушлар талайгина. Бир сўз билан айтганда, билдирилган ишончни амалий ишлар билан оқламоғимиз даркор.

**Ферузахон ЙЎЛДОШЕВА,**  
Халқ депутатлари  
Андижон шаҳар Кенгаши депутати

✓ Сиёсий партияни ўз электорати билан боғлашда депутатлик гуруҳлари асосий кўприк вазифасини ўтайди. Депутатлик гуруҳимиздаги ўн бир нафар аъзонинг ташаббускор ва жонқуярлиги боис сайловчилар ишончини қозоняпмиз. Гуруҳимиз томонидан Халқ депутатлари Фузор туман Кенгаши сессиясига тумандаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашни янада яхшилаш, хотин-қизлар ва ёшларни тадбиркорликка йўналтиришга оид таклиф киритилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Сессияда кўриб чиқилган таклиф ҳамда қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари ижросини таъминлашга оид ишлар юзасидан 14 нафар мансабдор шахсининг ҳисоботи эшитилди, электротат манфаатини кўзлаб эллиқдан ортиқ сўровнома киритилди, 2 та депутатлик назорат таҳлили олиб борилди.

## Электротат манфаатларини кўзлаб

Шунингдек, сайловчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари, муаммоларига ечим топши мақсадида ҳар бир йилгида мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботини тинглашни йўлга қўйганмиз. Унда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, лалмикор майдонларда боғ ва узумзорлар ташкил этиш, қишлоқда хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа инфратузилмаларни юксалтириш, автомобиль йўллари қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ер ости захираларига бой ҳудудларда гипс, мел ва доломит тоши маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш орқали янги иш ўрни яратиш ва иқтисодийни кучайтириш борасида амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда туманимизда 3 минг 44 нафар ЎзЛиДеР аъзоси 61 та бошланғич партия ташкилоти атрофида бирлашган. Айтиш жоизки, партиянинг ҳар бир бўғини фаолиятини тез-тез та-

ди. Мажмуа директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари, ЎзЛиДеР фаоли Фахриддин Қувватов, бошланғич партия ташкилоти раиси Шухрат Уватов, депутатлар – Шокир Эшмуродов, Муҳаррам Турсунова, Бекзод Абдуразоқовлар ҳам ана шундай фазилат соҳибларидир. Улар ўз зиммаларидаги масъулиятни теран англайдилар, эришилган ютуқларга муносиб ҳисса қўйиш баробарида аҳоли ўртасида ташкил этилаётган тадбирларда фаол қатнашади. Шўртангазимё шаҳарчасида асосан ёшлар истиқомат қилгани боис, уларнинг иқтисодий-сиёсий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мавзусида мунтазам савол-жавоб кечалари ташкил этилди. Мулоқотларда истиқлол йилларида амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар моҳияти тушунтирилмоқда. Шунингдек, хотин-қизлар ўртасида ҳам спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади.



Суратда: Шухрат Қурбанов партиядошлар билан мулоқотда

лил этиб борса, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жадаллашади, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу борада депутатлар эришаётган ижобий ютуқларни оммалаштириш, кўрсатмаларни жадаллик билан амалга ошираётган намунали бошланғич партия ташкилотлари тажрибаси билан бошқа кўйи бўғинларни таништириш яхши натижа бермоқда.

Масалан, “Шўртангазимё” мажмуасида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти Қашқадарёдаги энг намунали кўйи тузилмалардан бир. Бир ярим минг нафарга яқин маслақдошимизни ўз сафида бирлаштирган мазкур кўйи бўғин фаоллари томонидан амалга оширилган сиёсий, ташкилий ишлар кўлами нихоятда кенг. Мажмуаимизда 25 та ҳафта ёш партия ташкилотчилари фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, замонавий технологияларни жорий этиш таклифлари билан чиқишмоқда. Ҳар ойда цехларнинг бирида ижобий ютуқларни оммалаштириш, кўрсатмаларни жадаллик билан амалга ошираётган намунали бошланғич партия ташкилотлари тажрибаси билан бошқа кўйи бўғинларни таништириш яхши натижа бермоқда.

Мажмуа, олижаноб, тажрибали инсонгина бошқаларни ҳам эзгу мақсад сари йўналтира ола-

Кенгашимизга яқунланаётган йил мобайнида партия электорати ва аҳолидан келиб тушган 74 та мурожаат эгасининг 51 тасига амалий ёрдам кўрсатилади, 23 та ариза эса назоратта олинди. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ётганини унутмаган ҳолда унда битилган муаммоларни имкон қадар бартараф этаёламиз. Хусусан, қайд этилган даврда коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш, хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш ва банк кредити ажратишда кўмаклашишди, гузорликларини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қувурлар тортилди, мажмуа ҳомийлигида Фузор, Деҳқонобод туманларидаги Болалар спорт комплекси, мактаб ва тиббиёт масканлари қурилиб, зарурлари таъмирдан чиқарилди.

Тадбиркорлик ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлашга қаратилган гояларимиз ҳаётлиги билан одамларнинг қалбидан жой олиб улгурди. Эндиликда ислохотларни янада жадаллаштиришдек улкан масъулиятни зиммасига олган ягона сиёсий куч сифатида янада фаолроқ бўлишимиз даркор. Бир сўз билан айтганда, депутатлар ва фаолларимиз партия сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш борасида қатъият билан иш олиб боришяпти. Натижада ҳудудимизда йил сайин аҳоли бандлиги ва фаровонлиги ортиб, янги-янги замонавий иншоотлар барпо этилиб, туманимизга қиёфаси йилдан-йилга гўзаллашмоқда.

**Шухрат ҚУРБАНОВ,**  
ЎзЛиДеР Фузор туман Кенгаши раиси,  
туман Кенгаши депутати

# ЖАРАЁН

## БОШЛАНГИЧ ПАРТИЯ ташкилотларида

### Интилганга толе ёр

“Саид” хусусий корхонаси раҳбари Саидрасул Жовунов Қўшработ туманидаги таниқли тадбиркорлардан. У туманда илк бор мева-сабзавотни сақлаш учун мўлжалланган юз тонналик совуқтич барпо этди. 18 ўринли хусусий меҳмонхона қургани ҳам тилга тушди. 200 ўринли ўқув маркази ташкил этганда ёшлар бир қувоничидики...

Этиборлиси, ишбилармон O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси сифатида партия дастурий гоё ва мақсадларини оммалаштиришга ҳисса қўшмоқда. Бу жараёнда орттирган тажрибаси яқиндагина кўтаринки руҳда ўтган Президент сайловида ҳам гоёят асқотди.

— Сийёсий куч ўз олдига қўйган вазифалар моҳиятини аҳолига тушунтиришда маслақдошларим кўмағига таянаман, — дейди етакчи. — Айниқса, Бобур Жовунов, Носир Дўстеров ва Олим Ҳўжакуловнинг жонбозлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Бевоқифа мулоқотларга депутатлар, ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам тақлиф этаяпти. Тадбирларда жойлардаги айрим ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам ўртага ташланмоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
“XXI asr” мухбири

“Кўнғирот Устюртгаз” унитар корхонасидаги бошланғич партия ташкилоти ўн йил муқаддам ташкил этилганида атиги илгирма уч нафар ҳаммаслак тарғибот ишлари нажасида сафи кенгайиб, ҳозирда 120 нафар партия аъзосини бирлаштириб турибди.

ортаётганидан далолат беради. Шу ўринда қайд этишни истардимки, сайлов участкаларига кузатуви этиб тайинланган сафдошларим Мансур Ержапов, Шаролат Ешмуратов овоз бериш жараёни очик-ошкора, адолатли ўтишини таъминлашга ҳисса қўшишди.

— Бугун ҳаммага маълумки, кучли партия — кучли бошланғич ташкилотдан бошланади, — дейди мазкур таянч бугун раиси, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Бердах Турсинбеков. — Шу боис ҳар бир масала, аввало, қўйи ташкилотда муҳожама қилиниб,

## O'zLiDeP салоҳияти қуйи бўғин фаолиятига боғлиқ



— Мен ҳам сийёсий қарашларимни айнан O'zLiDeP орқали ифода этишга қарор қилганман, — дейди таянч тузилма аъзоси, корхона ходими Қалибек Аллашев. — Партия сийёсий куч сифатида илгари сураётган гоёлар ҳаётий ва халқчиллиги билан кўпчиликини ортдан эргаштиради. Айниқса, партия кўмағида юртимизда тадбиркор ва ишбилармонлар сафи янада кенгайиб бораётгани, коллеж битирувчиларнинг ўз фаолиятини бошлашида банк кредитлари ажратилишига кўмаклашилаётгани партия аъзолари сони ортишига сабаб бўлмоқда. Зеро, тадбиркор ва фермер эркин, бемалол ишласа, юртимиз гуллаб-яшнайдди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиямиздан кўрсатилган номзоднинг энг кўп овозга эга бўлгани ҳам O'zLiDeP дастурий гоёлари ва номзоднинг сайловолди дастурида баён қилинган вазифалар халқимизнинг айни кўнглидаги гап эканидан, одамларнинг партиямизга ишончи

кейин босқичма-босқич партия юқори органларига, парламентдаги фракциямизга етиб бориш тизимини янада тақомиллаштириш зарур.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилоти электорат мурожаатлари билан ишлашга жиддий эътибор қаратади. Ҳар бир йилгида партиямиз дастурий вазифалар, хусусий сектор манфаатлари билан боғлиқ масала ўрганилади. Шу йил мобайнида ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан тегишли идораларга 6 та депутатлик сўрови жўнатилиб, электорат манфаати ҳумо қилинганни таъкидлаш жоиз. Эътиборлиси, мажлисларда барча қатнашчилар ўз тақлиф ва мулоҳазаси билан фаол иштирок этмоқда, шу асосда тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Бехзод ИСРОИЛОВ,  
“XXI asr” мухбири

## Болаларга еътибор ўлманг

Мамлакатимизда қўрмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этилишида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги қуйи тизимларининг ўрни катта. Ҳўш, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тизимда бу борада қандай ишлар амалга оширилди? Ушбу савол билан Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бош бошқармаси катта инспектори Нозим Ҳабибуллаевга мурожаат қилдик.



— Касалликни даволагандан олдини олган афзал бўлганидек, жиноятга омиб борувчи сабаблар бартараф этилиши, янада тизим ортидаги жамиятга ҳавф солмайдиган, — дейди суҳбатдошимиз. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳуқуқдорларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла посбонлари ва бошқа жамоатчилик тузилмалари вакиллари билан ҳамкорликда вояга етмаганлар, шунингдек, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олишга қаратилган қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими

### ОГОҲЛИК

таётган ёрдам кўрсатиш марказларига жалб этилиб, ўларга яқна тартибда профилактик ишлар амалга оширилади.

Маълумки, фарзанд тарбиясида она, ота-онанинг таъсири катта. Зеро, инсоний фазилатлар болалиқдан сингдирилсагина, улар онг-шуурига мустаҳкам ўрнашади ва эъзу ишлар сари етаклайди. Шу боис фарзанд тарбиясида лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Аммо орамизда бу ҳаёт ҳақиқатини ўз вақтида тушуниб етмаётган ота-оналар ҳамон учраб туришди. Бу эса гўр, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб қўрмаган, содда ва ишонувчан, таъсирчан ёшларни билиб-билмай жорий йўл қўйишига сабаб бўлмоқда. Биргина ҳаттоки кўнгли тўққиз ойида ўз фарзанди олдидаги вазифаларини бажармаётган тўққиз мингдан ортик ота-оналар туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳузурига қаҳририлиб, ижтимоий, психологик ва педагогик қўрсатмалар берилди.

Қолаверса, доимий фаолият юритувчи мониторинг ишчи гуруҳлари кўмағида вояга етмаганлар тарбиясига салбий таъсир қўрсатувчи порнография маҳсулотларини таъбирлаш, республикамиз ҳудудига олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган 700 нафардан зиёд, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни қонунга хилоф равишда тарғиб қилган 100 нафарга яқин шахсларга тегишли тартибда чора қўрилди.

Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берапти. Амалга оширилган умумий, яқна ва махсус профилактик тадбирлар натижасида мамлакатимизда вояга етмаганлар томонидан содир этилган умумий жиноятлар 8,4 фоизга камайди.

Фаолиятимиз самарадорлигини ошириш мақсадида республикамиз бўйлаб “Ёшлар ва қонун” тарғибот тадбирларини ўтказдик. Уларда 4 миллионга яқин ўқувчи ва талабалар қамраб олинди. Энг муҳими, юртимиз тинчлиги ва оёйсизлигини сақлашда нафақат ҳуқуқчи бирдек фаза қилиш органлари, балки, барчамиз бирдек масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим. Ушбу қўлибга савдо ўтказилган кўндан бошлаб беш иш кўнунда сотувчи “Ангор келажиги” савдо мажмуи масъулияти чекланган жамияти ва Ангор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги савдо мажмуи қурилиш дирекцияси билан олди-сотиш шартномасини имзолаш, шундан сўнг ўттиз кўн мўддат ичида пул тўловларини қурилиш ташкилоти Ангор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги савдо мажмуи қурилиш дирекцияси ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш этилади. Ижара ҳуқуқини сотиб олиш маблаглари мазкур дўконлар қурилиш учун сарфланади ва улар ижара ҳақи тўловлари учун ҳисобланмайдиган. Ижарага олинаётган дўконлардан

“XXI asr” мухбири  
Ақбар МУЗАФФАРОВ ёзиб олди.



## ЭНГ ЯХШИ ФЕРМЕРЛАР БАҲСИ

Шижоатли, ташаббускор ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида O'zLiDeP томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ёш фермер” кўрик-танловининг Сирдарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 18 дан 35 ёшгача бўлган илгор фермер ҳўжалиги эҳтиборлари ва иш юритувчилари иштирок этди. Улар фермер ҳўжалигининг муваффақияти, янги иш ўринлари яратиш, касб-хўнар коллежлари битирувчиларини соҳага жалб қилиш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга қўшган ҳиссалари ҳақида маълумот беришди.

Оқлотин туманидаги “Эркин Озод Суннат” фермер ҳўжалиги раҳбари Турсундони Йўлашев 3-ўрин, Мирзабод туманидаги “Фозилбек Алишер даласи” фермер ҳўжалиги иш бошқарувчиси Одил Имомов 2-ўрин, Бобурт туманида фаолият юритаётган “Илгор-Аборр ҳамкор” фермер ҳўжалиги бошлиғи Қўдрат Абдурайимов 1-ўринга муносиб топилди.

— “Ёш фермер” кўрик-танловида голиб бўлганмидан хурсандман, — дейди у. — Юртимизда яратилган шароитлар фермерлик ҳаракати янада кенг қўлаб кўчишига имкон берди. Мен ҳам бу имкониятдан унумли фойдаланиб, фермер ҳўжалиги ташкил этдим. Фалла ва пахтадан режадагидан ортик ҳосил олдик. Бугун ёш фермер сифатида танловда иштирок этиб, O'zLiDePнинг амалий ишлар тарафдори эканига яна бир қарра амин бўлдим.

Кўрик-танлов натижасида голиб ва совриндорларга ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари тақдим этилди. Эндиликда голиблар кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этишади.

Норин ҚОСИМОВА,  
“XXI asr” мухбири

O'zLiDePнинг “Диплом билан — бизнесга” лойиҳаси бугунги кунда Жиззах вилоятидаги академик лицейи ва касб-ҳўнар коллежи ўқувчилари ўртасида оммалаштириб улгурди.

## ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ

Жумладан, лойиҳанинг 2013 йилги иштороқчиси галлаороллик Нурсалин Умаров айни пайтда “Euroasia kapital qurilish invest” масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилмоқда. Мазкур корхона импорт ўрнини босадиган иситиш қозонлари ва радиаторлари, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда қурилиш таъмирлаш ишларини амалга ошириш билан шуғуланмоқда.

Тиниб-тинчимас партиямиз фаолларидан яна бири зафарободлик Раҳимберди Абдурахмонов ўтган йили лойиҳада совринли ўринни эгаллаган эди. У “Самарқанд шахзодаси” хусусий корхонасига асос солиб, тўрт нафар тумандоши билан блок гишт ишлаб чиқармоқда.

— Лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларда кредит ҳўжатларини расмийлаштириш, суғурталаш, солиқ имтиёзлари ҳақида хабардор бўлди, — дейди ёш тадбиркор Раҳимберди Абдурахмонов. — Ҳамкорларимизнинг иш тажрибалари билан танишганимиз бугун жуда қўл келмоқда.

Жиззах туманида истиқомат қиладиган Зилола Нуриддинова эса асарчиликни ривожлантиришни йўлга қўйган. O'zLiDeP фаоллари кўмағи билан “Микрокредитбанк”нинг вилоят бўлимидан 6 миллион 500 минг сўмлик имтиёзли кредит олди. Мақсад — жаннатмонанд юртимизнинг доривор гийёлларидан йилган болни жаҳон бозорига олиб чиқиш.

Бу каби ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошираётган йилги-қизлар Жиззахда кўп. Биргина “Диплом билан — бизнесга — 2016” лойиҳаси доирасида тижорат банкларига 1 минг 520 нафар коллеж битирувчиларининг бизнес режалари микрокредитлар олиш учун тавсия этилди.

Олим НОРЖИГТОВ,  
O'zLiDeP Жиззах вилоят Кенгаши ёшлар билан ишлаш бўлими мудири

## “BEST REALTOR”

масъулияти чекланган жамияти Сурхондарё минтақавий филиали  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказилаётган  
очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Ангор тумани ҳокимининг 2012 йил 28 майдаги 321-сонли қарори, Ангор тумани “Ангор келажиги” савдо мажмуида 2014 йил 21 январь кунини ўтказилган 10-сонли йилгилиш баъни қарори ва туман ҳокимининг 2016 йил 2 ноябрдаги 01-19/433-сонли, 2016 йил 28 ноябрдаги 01-9/466-сонли, “Ангор келажиги” савдо мажмуи масъулияти чекланган жамиятининг 2016 йил 28 ноябрдаги Р-337-сонли ва 2016 йил 1 декабрдаги Р-346-сонли буюртмасига асосан савдо мажмуи қурилиш учун мўлжалланган, келажикда қуриб битказилаётган савдо дўконларини 49 йилга ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда.

Сурхондарё вилояти Ангор тумани Истиклол ҚўМФ Янги турмуш маҳалласида жойлашган “Ангор келажиги” савдо мажмуи масъулияти чекланган жамияти ҳудудидан ҳар бирининг сатҳи 40 квадрат метр бўлган, келажикда қуриб битказилаётган 1 қаватли (сервитув белгиланмаган) 15-1, 15-2, 15-3 ва 71-сонли кийим-кечаклар, ҳўжалик ва машина моллар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари дўконларини 49 йилга ижарага олиш ҳуқуқи.

Ҳар бир ижара ҳуқуқининг бошланғич баҳоси — 51 940 200 сўм.

Савдо 2017 йил 16 январь кунини Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36а-уйда соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Буюртмаларни қабул қилиш мазкур хабарнома газетда чоп этилган кўндан бошлаб иш қўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишининг охириги мўддати — 2017 йил 13 январь соат 18:00.

Аукцион аъзолари савдо тўғрисида унинг иштороқчиларига маълум қилинади. Мазкур дўконларнинг ижара ҳуқуқини 2017 йил 16 январь кунини ўтказилаётган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такорорий аукцион савдоси 2017 йил 31 январь кунини соат 11:00 дан бошлаб юқоридега кўрсатилган маъзилда ўтказилаётгани олдиндан маълум қилинади. Такорорий савдо бўйича буюртмаларни қабул қилишининг охириги мўддати 2017 йил 30 январь соат 18:00 гача.

Савдо голибига савдо ўтказилган кўндан бошлаб беш иш кўнунда сотувчи “Ангор келажиги” савдо мажмуи масъулияти чекланган жамияти ва Ангор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги савдо мажмуи қурилиш дирекцияси билан олди-сотиш шартномасини имзолаш, шундан сўнг ўттиз кўн мўддат ичиде пул тўловларини қурилиш ташкилоти Ангор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги савдо мажмуи қурилиш дирекцияси ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаш этилади. Ижара ҳуқуқини сотиб олиш маблаглари мазкур дўконлар қурилиш учун сарфланади ва улар ижара ҳақи тўловлари учун ҳисобланмайдиган. Ижарага олинаётган дўконлардан

фақат дўкон сифатида фойдаланиш мумкин.

Савдо дўконларининг ижара ҳуқуқлари учун тўловни амалга ошириш шакли, мўддати сотувчи “Ангор келажиги” савдо мажмуи масъулияти чекланган жамияти ва Ангор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги савдо мажмуи қурилиш дирекцияси томонидан олди-сотиш шартномаси тузилиш вақтида белгиланади.

Ушбу дўконлар тўққиз ой ичиде қуриб фойдаланишга топширилади. Ижара тўловлари дўконлар қурилиб ижарага олувчига топширилган кўндан бошлаб ҳисобланади ва ижара ҳақи микдори мулк эгаси томонидан ҳар йили алоҳида белгиланади. Голиб деб топилган ҳаридор билан дўконда ижарага олиш шартномаси 49 йилга тузилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

✓ юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вақилининг савдода қатнашиш учун қўнун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

✓ жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вақил қатнашган тақдирда, шунингдек, қўнун ҳўжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳўжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

✓ аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳўжатининг нусхаси.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган келишувга асосан 15-1, 15-2, 15-3-сонли савдо дўконлари ижара ҳуқуқи бошланғич баҳосининг ўн фоизидан, 71-сонли савдо дўконини ижара ҳуқуқи бошланғич баҳосининг пулини кўрсатилган мўддатга қадар “Best realtor” масъулияти чекланган жамияти Сурхондарё минтақавий филиалининг “Траст банк” Термиз филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000400433601006. СТИР: 303179580. МҲФ: 01063.

Савдода қатнашиш учун буюртма (ариза)лар қабул қилинади, савдо ташкилотчиси жойлашган ва мурожаат учун маъзил: Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси 36а-уй.

Телефон: (факс) (0-376) 223-31-57.  
Расмий сайт ва электрон почта: www.emuk.uz, best\_suxondaryo@inbox.uz

“Best realtor” масъулияти чекланган жамияти Сурхондарё минтақавий филиалида  
2016 йил 2 декабрда ўтказилган аукцион савдоси натижаси:

Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Боботог маҳалласи А. Темир кўчасида жойлашган “Шўрчи жануб савдо” масъулияти чекланган жамияти ҳудудиде келажикда қуриб битказилаётган ялли сатҳи майдони билан 20 квадрат метр бўлган, 1 қаватли 172-сонли савдо дўконини 25 йилга ижарага олиш ҳуқуқи.  
Бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм, сотилиш баҳоси — 32 700 000 сўм.

Лицензия: RR - 0225.


## РЕКЛАМА

## “SAMARQAND ELEKTR TARMOQLARI”

акциядорлик жамияти жамоаси

Бош Қомусимизнинг 4-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қиладиган барча мижнат ва элаларнинг тиби, урф-одамлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди. Бинобарин, қўл мижнати халқимизнинг келажакни порлоқдир.

Бош қомусимизнинг 24 йиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!



Хизматлар лицензияланган

15-416

## “ТЎРТКЎЛ САВДО КОМПЛЕКСИ”

очик акциядорлик жамияти

Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил мулк шакллари ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Буларнинг барчаси қонуний жиҳатдан мустақамланган Асосий Қонунимиз қабул қилинганига 24 йил тўлди. Шу муносабат билан қадрли юрtdошларимизни самимий табриклаб, уларнинг келгуси ишларида зафарлар тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган

15-390

## ҚАДРЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган турли мавзулардаги саволларга жавоб топиш ёки реклама ва эълонлар юзасидан мурожаат этмоқчи бўсангиз, душанбадан жумага қадар соат 9:00 дан 18:00 гача тахририятнинг (0-371) 255-68-50, (0-371) 281-40-17, (0-371) 215-63-80 телефон рақамларига, шунингдек, xxi\_asr@umail.uz электрон манзилимизга мурожаат этишингиз мумкин.



ЭЪЛОН

“КО‘СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ” МЧЖ  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН,  
КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарори ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг 2016 йил 9 декабрдаги 03/2-1951-сонли хатида асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

№	Танловга чиқарилган ер участкасида қуриладиган объектнинг номи	Ер участкасининг манзили	Ер участкаси майдони (кв. м.)	Ер участкасининг минимал қиймати (сўм)	Ташкил этиладиган иш уринларининг энг кам сони	Назарда тутилган инвестициялар ҳажми (млн. сўм)	Объект курилиши тугаллаш муддати
<b>Булунгур тумани</b>							
1	Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи	Булунгур ш. М. Улугбек МФЙ	144	132 480	4	140	1 йил
2	Савдо дўкони	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
3	Савдо дўкони	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
4	Савдо дўкони	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
5	Савдо дўкони	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
6	Савдо дўкони	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
7	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
8	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	2	40	1 йил
9	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	60	55 200	2	40	1 йил
10	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви	30	27 600	3	40	1 йил
11	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Ўртабулоқ ҚФЙ Булунгур массиви Бешкўтон МФЙ	64	58 800	3	40	1 йил
12	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Ўртабулоқ ҚФЙ Булунгур массиви Бешкўтон МФЙ	32	29 440	3	60	1 йил
13	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Ўртабулоқ ҚФЙ Булунгур массиви Бешкўтон МФЙ	32	29 440	3	60	1 йил
14	Савдо мажмуаси	Килдон ҚФЙ Кичик Килдон МФЙ	400	368 000	8	520	1 йил
15	Савдо мажмуаси	Килдон ҚФЙ Кичик Килдон МФЙ	400	368 000	8	520	1 йил
16	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Килдон ҚФЙ Кичик Килдон МФЙ	400	368 000	6	460	1 йил
17	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Килдон ҚФЙ Кичик Килдон МФЙ	400	368 000	6	460	1 йил
18	Ҳаммом ва гўзаллик саломи	Килдон ҚФЙ Кичик Килдон МФЙ	400	368 000	5	460	1 йил
19	Ошхона	Килдон ҚФЙ Кичик Килдон МФЙ	400	368 000	6	460	1 йил
20	Савдо мажмуаси	Булунгур ш. Дўстлик МФЙ	125	115 000	4	180	1 йил
21	Савдо мажмуаси	Булунгур ш. Дўстлик МФЙ	125	115 000	4	180	1 йил
22	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Булунгур ш. Дўстлик МФЙ	125	115 000	4	180	1 йил
23	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Булунгур ш. Дўстлик МФЙ	125	115 000	4	180	1 йил
24	Маросимлар ўтказиш базмгоҳи	Бешкўтон ҚФЙ Каттақишлоқ МФЙ	800	736 000	12	280	1 йил
25	Миллий чойхона	Соҳибкор ҚФЙ Мингчинор массиви Тумановул кишлоғи	1 000	920 000	8	210	1 йил
26	Маросимлар ўтказиш базмгоҳи, ҳаммом ва гўзаллик саломи ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси	Бешкўтон ҚФЙ Зарбдор массиви	6 700	6 164 000	15	500	1 йил
27	Болалар спорт майдончаси	Ўртабулоқ ҚФЙ Бешкўтон МФЙ	1 000	920 000	4	160	1 йил
28	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи	Булунгур ш. М. Улугбек МФЙ	500	460 000	6	200	1 йил
29	Қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи	Булунгур ш. М. Улугбек МФЙ	500	460 000	6	200	1 йил
30	Автомобилларни таъмирлаш устaxonаси	Ф. Йўлдош ҚФЙ Улугбек массиви	200	184 000	2	40	1 йил
31	Савдо дўкони	Ф. Йўлдош ҚФЙ Улугбек массиви	60	55 200	3	80	1 йил
32	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Ф. Йўлдош ҚФЙ Улугбек массиви	60	55 200	4	80	1 йил
33	Тикувчилик цехи	Ўртабулоқ ҚФЙ Мингтепа массиви	248	228 160	10	250	1 йил
34	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Бешкўтон ҚФЙ Янгиариқ массиви Хатча кишлоғи	100	92 000	2	80	1 йил
35	Маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Булунгур ш. Чўлпон кўчаси	144	132 480	2	160	1 йил
36	Қурилиш материаллари савдо шохбчаси	Булунгур ш. М. Улугбек МФЙ М. Ражабов кўчаси	1 000	920 000	6	120	1 йил
37	Қурилиш материаллари савдо шохбчаси	Бешкўтон ҚФЙ Зарбдор массиви	1 000	920 000	6	120	1 йил
38	Савдо дўкони ва санузел	Булунгур ш. Меҳржон МФЙ А. Темур кўчаси	180	165 600	2	100	1 йил
39	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси ва маиший хизмат кўрсатиш шохбчаси	Бешкўтон ҚФЙ Янгиариқ массиви	1 000	920 000	7	120	1 йил
<b>Жомбой тумани</b>							
1	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохбчаси	Қангли ҚФЙ Қангли кишлоғи	80	70 560	2	90	11 ой
2	Савдо шохбчаси	Қангли ҚФЙ Қангли кишлоғи	32	28 224	2	45	11 ой

# ЭЪЛОН

## “KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI” MCHJ SAMARQAND VILOYATI FILIALI

BARCHA TADBIRKORLIK SUBYEKTLARINI, SHU JUMLADAN, KICHIK BIZNES ВАКИЛЛАРИ ХАМДА ХУСУСИЙ TADBIRKORLARНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

41 Davoni. Boshlaniши 6-saxifada

№	Танловга чиқарилган ер участкасида қуриладиган объектнинг номи	Ер участкасининг манзили	Ер участкаси майдони (кв. м.)	Ер участкасининг минимал қиймати (сўм)	Ташкил этиладиган иш уринларининг энг кам сони	Назарда тутилётган инвестициялар ҳажми (млн. сўм)	Объект қурилиши тугалаш мuddати
3	Маиший хизмат кўрсатиш шохобчиси	Қангли ҚФЙ Қангли қишлоғи	32	28 224	2	45	11 ой
4	Хўжалик моллари дўкони	Қангли ҚФЙ Қангли қишлоғи	32	28 224	2	45	11 ой
5	Дорихона	Қангли ҚФЙ Қангли қишлоғи	32	28 224	2	45	11 ой
6	Умумий овқатланиш шохобчиси	Қангли ҚФЙ Хитойпоён қишлоғи	600	529 200	6	315	11 ой
7	Ҳаммом	Қангли ҚФЙ Хитойпоён қишлоғи	600	529 200	4	315	11 ой
8	Савдо шохобчиси	Қангли ҚФЙ Хитойпоён қишлоғи	600	529 200	4	315	11 ой
9	Хўжалик моллари дўкони	Дехқонобод марказий кўргони Чаманзор кўчаси	600	529 200	4	320	11 ой
10	Савдо шохобчиси	Дехқонобод марказий кўргони Чаманзор кўчаси	600	529 200	4	315	11 ой
11	Маиший хизмат кўрсатиш шохобчиси	Дехқонобод марказий кўргони Чаманзор кўчаси	600	529 200	4	315	11 ой
12	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчиси	Шерқўрган ҚФЙ Полвонариқ МФЙ Туркман қишлоғи	400	352 800	2	230	11 ой
13	Хўжалик моллари дўкони	Шерқўрган ҚФЙ Полвонариқ МФЙ Туркман қишлоғи	400	352 800	2	215	11 ой
14	Умумий овқатланиш шохобчиси	Шерқўрган ҚФЙ Полвонариқ МФЙ Туркман қишлоғи	400	352 800	4	215	11 ой
15	Савдо дўкони	Шерқўрган ҚФЙ Полвонариқ МФЙ Туркман қишлоғи	400	352 800	2	215	11 ой
